

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03.30.06.2020.Fal.60.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУХТАРОВ УТКИРЖОН МУТАЛИБЖАНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-КОНЦЕПТУАЛ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract
of doctor of philosophy (PhD) in philosophical sciences**

Мухтаров Уткиржон Муталибжанович Ўзбекистонда фалсафий таълимни ривожлантиришнинг илмий- концептуал хусусиятлари	3
Мухтаров Уткиржон Муталибжанович Научно-концептуальные особенности развития философского образования в Узбекистане.....	23
Mukhtarov Utkirjon Mutalibjanovich Scientific and conceptual features of development of philosophical education in Uzbekistan.....	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	47

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03.30.06.2020.Fal.60.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУХТАРОВ УТКИРЖОН МУТАЛИБЖАНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-КОНЦЕПТУАЛ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Fal63 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adu.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мухтаров Азамат
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бегматов Абдулла Сирожиiddинович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Иззетова Эмине Мустафаевна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги PhD.03.30.06.2020.Fal.60.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « 26 » « 07 » соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел./факс: 0(374) 223-88-30; e-mail: agsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (924# рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел.: 0(374)223-88-30).

Диссертация автореферати 2021 йил « 12 » « 07 » кун тарқатилди.
(2021 йил « 12 » « 07 » даги 1 - рақамли реестр баённомаси).



Ф.Х. Юлдашева
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, фалсафа
фанлари доктори, доцент

А.А. Эгамбердиев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, фалсафа
фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD)

Т.А. Артиков
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, фалсафа фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда табиий ва ижтимоий-гуманитар фанлар ривожининг инсон тафаккури имкониятларининг тобора тўлиқ намоёни қилмоқда. Бир томондан рақамли технологиялар фан тараққиётининг юқори даражаси сифатида жамиятнинг барча соҳаларида намоён бўлса, иккинчи томондан, гуманитар фанлар табиий фанларнинг инсонпарварлашувига кучли таъсир этмоқда. Мазкур жараённинг таркибий қисми сифатида фалсафий билим шахс дунёқарашини шакллантиришда методологик функцияни бажармоқда. Цивилизациянинг тақдири технологиялар тараққиёти билан эмас, балки ундан қандай мақсадларда фойдаланиш даражаси билан боғлиқ, бунинг учун фалсафа билим ва тафаккур ўртасидаги мутаносибликни таъминлашни тақозо этади. Шунга кўра, жаҳон амалиёти фалсафий таълимни ривожлантириш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатмоқда.

Дунёнинг етакчи илмий тадқиқот институтлари ва марказларида фалсафий таълимни ривожлантириш, фалсафий фанларни ўқитишда махсус ва факультатив курсларнинг янги ўқув дастурларини яратиш, замонавий жамият ва узлуксиз таълим тизимидаги фалсафий фанларнинг ролини ошириш, талабаларнинг ахлоқий ва экзистенциал танлов кўникмасини шакллантириш, шунингдек, олий таълимда таълим сифатини таъминлаш жараёнидаги фалсафани маънавий-ахлоқий ва интеллектуал таъсир кўрсатиш механизмларини ишлаб чиқиш каби масалаларнинг илмий тадқиқига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фалсафий билимларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мазкур соҳа фанларини ўқитишда янги ёндашувларни ишлаб чиқиш, қолаверса, фалсафанинг ижтимоий мақомини ошириш, талабаларнинг қизиқишлари ва фалсафий билимларини ўзлаштиришга бўлган мотивациясини кучайтиришга ёрдам берадиган миллий таълим ва тарбиявий механизмларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга. Бу эса фалсафий фанларни ўқитишнинг илмий-концептуал асосларини такомиллаштиришга оид амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида таълим ва илм-фан жамият келажагини белгилайдиган стратегик мўлжал бўлиб, буни амалга оширишда фақат таълимнинг янги замонавий усулларини қўллашни талаб этмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш», шунингдек, «таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш,

илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш»¹ устувор вазифалар қилиб белгиланди. Бу эса, фалсафий таълим тизимининг миллий ва умумбашарий аҳамиятини асослаш, хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини миллий таълим тизимига жорий этиш, ёшларнинг фалсафий тафаккур даражасини баҳолаш тизимини такомиллаштириш, уларда интеллектуал қобилиятни ривожлантиришнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 сентябрдаги 736-сон «Таълим тизимида маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инсон ҳаётида фалсафанинг ўрни ва аҳамияти ҳақида қадимги юнон файласуфлари Сукрот, Афлотун, Арасту, Пиррон, Тимон ва Энесидем томонидан муҳим эвристик ғоялар илгари сурилган. Ўрта аср Шарқ мутафаккирлари Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Ҳомид Муҳаммад ал-Ғаззолий, Азизиддин Насафий, Жалолиддин Румий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий каби мутафаккирлар эса фалсафанинг илми ҳикмат, донишмандлик сифатидаги ўрни ва методологик аҳамияти ҳақида аниқ далилларга асосланган фикрларни баён этганлар².

Жамиятнинг ижтимоий онги ва фалсафий тафаккурини шакллантиришнинг илмий негизлари республикаимиз олимлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

² Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993. – 224 б.; Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар, 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1968. – 486 б.; Ибн Сино. Изб. филос. произведения. – Москва: Наука, 1980. – 478 с.

О.Файзуллаев, Ж.Т.Туленов, Б.О.Тўраев, В.Алимасов, В.Хайруллаева, Н.А.Шермухамедова, М.Н.Абдуллаева, М.М.Қаҳҳорова, Т.А.Артиқов, Т.Султонов, Х.Йўлдошевларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

МДХ мамлакатларида фалсафани ўқитишнинг фундаментал характеристикаси муаммоси А.Ю.Лаврентьева, Г.А.Геранина, Г.В.Итэсь, Е.А.Киндлер, И.В.Цвык, Л.В.Хохлова, Л.Т.Усманова, М.В.Емельянова, О.К.Леоновец, О.Ю.Яценколарнинг тадқиқот ишларида маълум даражада ёритиб берилган.

Фалсафий таълимни ривожлантиришнинг миллий ва умуминсоний тамойиллари хорижлик олимлар Н.Кузанский, Ж.Мирандола, Н.Макиавелли, Э.Роттердам, М.Монтен, Ф.Санчес, Ф.Бэкон, Р.Декарт, Д.Юм, И.Кант, В.Ф.Гегель, Б.Рассел, А.Шопенгауэр, Ф.Ницшеларнинг илмий қарашларида ўз аксини топган³. Юқорида келтирилган илмий изланишлар таҳлили мамлакатимизда фалсафий таълимни ривожлантиришнинг илмий-концептуал хусусиятлари масаласи мустақил тадқиқот объекти сифатида алоҳида ўрганилмаганлигини билдиради. Бу ўз навбатида тадқиқот мавзунининг илмий ўрганиш объекти сифатида танлаб олинишига сабаб бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ №КА-1-004 «Ўзбекистонда модернизация жараёнлари ва ёшларда инновацион онг шаклланишини амалий тадқиқ этиш» мавзусидаги амалий тадқиқот доирасида бажарилган (2015-2017 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади узлуксиз таълим тизимида фалсафий фанларни ўқитишнинг замонавий интеллектуал таъсир кўрсатиш механизмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фалсафий таълимни рационал идрок этиш орқали ўрганиш зарурияти танқидий таҳлил методи орқали исботлаш;

жамиятнинг янги ижтимоий-сиёсий, маънавий-интеллектуал воқеликни идрок этиш ва баҳолаш муносабатларини таҳлил қилиш орқали миллий фалсафий таълим тизимини ривожлантириш заруратини асослаш;

фалсафий таълимни конструктив-рационал ташкил қилиш ва унинг истиқболларини моделлаштириш хусусиятлари, «оммавий маданият» ғояларига қарши курашда фалсафий таълим ва тарбиянинг аҳамиятини ўрганиш бўйича тадқиқотларнинг истиқболли йўналишларини белгилаш, уларнинг самарали йўллари ва воситаларини аниқлаш;

фалсафий таълим концепциясини ўрганиш асосида ҳозирги кунда ёш файласуф кадрларни замонавий илмларни эгаллашга жалб қилиш, миллий фалсафий таълимни мақсадли ривожлантиришга доир тавсиялар ишлаб чиқиш.

³ Мазкур муаллифларнинг асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларида фалсафий таълимни шакллантириш ва инновацион ривожлантириш жараёни танланган.

Тадқиқотнинг предметини Олий таълим муассасаларида фалсафий таълимни шакллантириш ва инновацион ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда унинг миллий фалсафий тафаккур маданиятини юксалтиришдаги ўрни ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тарихийлик ва мантиқийлик, қиёсий таҳлил, синергетик, диалектик ва тизимли ёндашув, анализ ва синтез каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

халқ таълими тизимида янги жорий этилган тарбия фани таркибига кирувчи миллий ғоя, маънавиятшунослик, диншунослик, ахлоқшунослик, нафосатшунослик каби фалсафий фанларни шахсий, шахслараро ва шахсдан юқори даражаларда ўқитишнинг аксиологик, эпистемологик, информологик фалсафий жиҳатлар аниқланган;

янги Ўзбекистонда миллий-ғоявий дунёқараш ҳамда дахлдорлик ҳиссини шакллантиришда фалсафий фанларни давлат, дин ва маънавий-маърифий фаолиятда қўллашнинг позитивистик, толерантлик, дунёқарашлик, тадрижийлик функциялари асосланган;

миллий фалсафий таълимда ювентология, креотология, ревитализация, иммортология каби таълимотлар асосида формаллаштириш, тузилмавий-функционал, мантиқийлик ва гипотетик-дедуктив методологик параметрларнинг фалсафий механизмлари синтези далилланган;

тафаккурнинг формациялар яратиш қобилиятини ҳисобга олган ҳолда янги Ренессанс тамойилларини ёшлар онгига сингдиришда суперментал инсон тушунчасининг иродавийлик, рационаллик, иррационаллик ва ҳиссий-эмпирик каби интуитив-мушоҳадавий фалсафий жиҳатлар аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илғор хорижий давлатларнинг тажрибалари асосида мамлакатимиз олий таълим муассасаларида замонавий фалсафий таълим мазмунини шакллантириш, фалсафани ўқитишда интерфаол ўқитиш методлари ва технологияларни янада такомиллаштириш муҳим ўрин эгаллаши исботланган;

миллий фалсафий таълимнинг миллий ўзликни англашга таъсир кўрсатиш чегараларини белгилаб берувчи маънавий-ахлоқий таркиби аниқланган;

фалсафий таълимнинг истиқболларини ривожлантиришнинг самарали йўллари сифатида прагматик дунёқараш, инновацион тафаккур, интеллектуал салоҳият, замон талабларига хос билим, атроф воқеликка дахлдорлик ва масъулият ҳисси каби янгича фикрлашнинг шакллантиришга доир методологик ёндашув шунингдек, педагогик усуллар очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашувлар ва усуллар, улар доирасида фойдаланилган назарий ёндашувларнинг расмий манбалардан олингани, қиёсий ўрганишлар натижасида келтирилган таҳлиллар асослангани, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилма ва ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда фалсафий таълимни ривожлантиришнинг концептуал асослари ва компонентлари, фалсафани ижодкорлик ва ташаббускорлик қобилиятига эга бўлган ёш авлодни тарбиялашдаги ўрни, ёш файласуф кадрларни танқидий ва инновацион тафаккур маданиятини юксалтириш омилларининг очиб берилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасаларида фалсафий фанларни ўқитиш тизимини такомиллаштиришга, «Фалсафани ўқитиш методикаси», «Таълим фалсафаси», «Қадриятлар фалсафаси», «Маънавиятшунослик», «Этика», «Эстетика», «Илмий тадқиқот методологияси» фанларининг мазмунини бойитишга хизмат қилади. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган назарий-фалсафий ҳамда ижтимоий-педагогик қарашлардан олий таълим муассасалари педагогик ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда фалсафий таълимни ривожлантиришнинг илмий-концептуал хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

халқ таълими тизимида янги жорий этилган тарбия фани таркибига кирувчи фалсафий фанлар (миллий ғоя, маънавиятшунослик, диншунослик, ахлоқшунослик, нафосатшунослик)ни шахсий, шахслараро ва шахсдан юқори даражаларда ўқитишнинг аксиологик, эпистемологик, информологик методологияси асосида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 июлдаги 597-сон «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси қабул қилинганлигининг 30 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарор лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Инсон ҳуқуқлари Миллий марказининг 2020 йил 22 январдаги 11/73-сон маълумотномаси). Натижада, таълимнинг фалсафий, методологик ва педагогик жиҳатларини янада кучайтиришга, шу орқали жамиятда бола ҳуқуқларига оид ҳуқуқий маданиятни шакллантириш механизмларини аниқлаб беришга кўмак берган;

янги Ўзбекистонда миллий-ғоявий дунёқараш ҳамда дахлдорлик ҳиссини шакллантиришда фалсафий фанларни давлат, дин ва маънавий-маърифий фаолиятда қўллашнинг позитивистик, толерантлик, дунёқарашлик, тадрижийлик функциялари ҳақидаги хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш

масалалари кўмитасининг «Ёшларда таълим тарбия уйғунлигини шакллантириш, таълим тизимининг назарий асосларини мустаҳкамлаш» амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитасининг 2019 йил 19 сентябрдаги 09-14/1827 сон маълумотномаси). Натижада, мамлакатимиз таълим тизимининг назарий асосларини мустаҳкамлаш ҳамда ёшларда таълим ва тарбия уйғунлигини такомиллаштиришга хизмат қилган;

миллий фалсафий таълимда ювентология, креотология, ревитализация, иммортология каби таълимотларининг интеграциялашуви асосида формаллаштириш, тузилмавий-функционал, мантиқийлик ва гипотетик-дедуктив методологик параметрларнинг фалсафий механизмларига оид таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган сайловолди дастурининг олтинчи бўлим «Маънавий-маърифий соҳадаги устувор йўналишлар» бўйича иш режасининг 1-банди «Миллий маданият ва маънавиятни ривожлантириш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларни сақлаш ва бойитиш» лойиҳасини амалга оширишда, 2-банди «Ёшларни халқимизга ёт ва янги авлод онги учун зарарли бўлган «оммавий маданият»нинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш» лойиҳасини ишлаб чиқишда, 3-банди «Миллий, тарихий-илмий маданият ва манбаларни ўрганиш ва тарғиб этиш» лойиҳасини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 2020 йил 26 февралдаги 01-91 сон маълумотномаси). Натижалар, илмий хулосалар ва амалий таклифлар миллий фалсафий таълимнинг назарий масалаларини ўрганиш борасида олиб борилаётган тарғибот ишларига ижобий таъсир ўтказган;

тафаккурнинг формациялар яратиш қобилиятини ҳисобга олган ҳолда янги Ренессанс тамойилларини ёшлар онгига сингдиришда суперментал инсон тушунчасининг иродавийлик, рационаллик, иррационаллик ва ҳиссий-эмпирик каби интуитив-мушоҳадавий усулларига оид таклиф ва тавсияларидан «Уюшмаган ёшлар билан ишлаш, уларни ишга жойлаштириш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ўтказилишини таъминлаш» тўғрисидаги 2019 йил январдаги 217-сон махсус чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг 2020 йил 14 январдаги 04-13/152-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг республикадаги уюшмаган ёшларини билим даражаси, фалсафий тафаккурини юксалтириш, уюшмаган ёшлар билан олиб борилаётган ишларни тизимли ташкил этишга оид режасини такомиллаштиришга ҳисса кўшган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 12 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман ва семинарларда муҳокама қилинган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш нашр этирилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та республика ва 4 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, асосий матн 141 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, тадқиқотнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Фалсафий таълимни ривожлантиришнинг назарий-методологик хусусиятлари»** деб номланган биринчи бобида «фалсафий таълим» тушунчасининг таърифи, чегаралари, тарихий ва замонавий хусусиятлари, Шарқ ва Ғарб мактабларида фалсафий таълим тизимининг ривожланиш эволюцияси ҳамда ҳозирги даврда фалсафий таълимни ривожлантиришга доир праксиологик ва аксиологик ёндашувлар атрофлича таҳлил қилинган.

Илмий-фалсафий адабиётларда «фалсафий таълим» тушунчасига таърифлар мавжуд, аммо мазкур тушунчани англаш борасидаги ёндашувларда яқдиллик йўқ. Унинг ўзагини «фалсафа» ва «таълим» тушунчалари ташкил этади. Айнан фалсафий таълим категорияси ижтимоий фалсафа йўналишида олиб борилган тадқиқотларда етарлича тадқиқ этилмаган. Ушбу тушунча аксарият фалсафий луғатларда мавжуд эмас. Аслида, фалсафа – маданиятнинг пойдевори, хусусан, маънавий маданиятнинг муҳим қисми, фалсафа тарихи эса – ўтмиш маънавий меросининг зарурий таркибий элементи, аниқроғи, унинг замонавий фалсафий ёндашув орқали қайта англаниши ва баҳоланиши, тизимлаштирилиши натижасида фан мақомини касб этган билимдан иборат. Ундан беҳабар бўлган кишини, айниқса, Платон ва Аристотель, Форобий ва Ибн Сино ёки Беруний ва Навоий каби буюк даҳоларнинг илмий-фалсафий мероси тўғрисида умумий тасаввурга эга бўлмаган кишини маданиятли, юксак маънавиятли инсон дейиш қийин. Фалсафа йўналишини танлаган талаба учун эса бу фанни ўрганиш касбий тайёргарликнинг зарурий бўғини,

соҳа бўйича фаолият юритиш учун зарур малака ва кўникмаларни эгаллашнинг шартидир.

Ҳар бир фалсафий концепцияда, системада миллий ва умуминсоний фалсафий қадриятлар биргаликда давр, «замон руҳи»ни белгилашга хизмат қилади. Демак, фалсафа мазмунида миллийлик ва умуминсонийлик моҳиятларининг мужассамлиги ва бирлиги фалсафий тафаккур ривожини хусусиятларидан бири ундаги ворисийликнинг ўзига хос кўринишидир. Бу ерда миллий ва умумжаҳон фалсафа тарихини ўрганиш ва шу асосда «Ўзбек фалсафаси»ни яратиш маънавийтимизни юксалтиришнинг муҳим омили эканлигини айтиб ўтиш ўринли бўлади. Ҳар бир халқнинг, миллатнинг тарихи, турмуш ва тафаккур тарзини ифода этувчи фалсафаси мавжуд. Ҳинд фалсафаси, хитой фалсафаси, япон фалсафаси, юнон фалсафаси, немис фалсафаси каби миллий фалсафалар қаторида ўзбек фалсафаси ўзининг муносиб ўрнига эга. Албатта, миллий фалсафани фалсафанинг умумназарий масалалари, тушунча ва тамойиллари, фундамендал ғоялари ва қонунларисиз тасаввур этиб бўлмайди, улар бутун инсоният ақлу заковатининг маҳсули бўлиб ҳисобланади. Миллий фалсафага улар «сингиб кетади», «миллий жилога» эга бўлгани ҳолда, мазмунан бойиб боради ҳамда миллийлик ва умуминсонийлик уйғунлигидан иборат маънавий мулкка айланади.

Фалсафий таълимни тизимли-тузилмали, мажмуавий-фалсафий таҳлил қилиш учун шу соҳа билан боғлиқ тушунчалар мазмунини аниқлаш лозим. Зеро, тадқиқ қилинаётган объект ва предметнинг категориал аппаратини, тушунчалари мазмунини конкретлаштириш назарий-методологик вазифа бўлиб, муаммонинг илмий-амалий ечимини топишнинг зарурий шартидир. Шунингдек, бу тушунчаларнинг мазмуни диалектик-динамик характерга эга бўлганлиги учун ўз ўринларини ва аҳамиятини ўзгартириши мумкин. Бундан ташқари, уларнинг мазмунини жамиятнинг конкрет ижтимоий-маънавий ва этномаданий хусусиятларидан ажратиб тушунтириш мумкин эмас. Хусусан, фалсафий таълим аксарият фанларнинг инсонпарвар мақсадлари, муносабатларининг ҳамма томонларини қамраб олиши билан универсал характер касб этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, фалсафа ахлоқийликдан ҳам олийроқ инсоний қадрият тизимидир. Чунки файласуф учун муҳими яхшини ёмондан ажратиш эмас, балки, билимни нодонликдан, жаҳолатдан ҳам ажратишдир. Зеро, барча ёмонлик, донишманд наздида, билимсизлик оқибатидир. Билимсиз нодонларни яхшиликка ўргатиб бўлмайди, деб ҳисоблайди файласуфлар. Иккинчи томондан, донишмандлик билимнинг ўзидан ҳам иборат эмас. Балки барча одамларга, яхши–ёмонга ҳам меҳр–муҳаббат билан қарай билишдир. Демак, донишмандлик фақатгина билим, билимнинг ўзидангина эмас, балки кўпроқ ўз билимларини қандай қўллаш кераклигини ахлоқий баҳолай оладиган, одамлар ва табиатга ҳамдардлик қила оладиган одам ҳамдир. Бу таърифдан донишманд билан олим орасидаги фарқ яққол кўринади. Яъни олим бирор кашфиёт қилса, у бу кашфиёти

одамларга қанчалик фойда ёки зарар келтиришидан кўра кўпроқ бу кашфиёт ўзига нима беришини ўйлайди.

Ҳозирда технократик цивилизацияни танқид қилувчилар фалсафанинг кучига катта умид боғламоқдалар. Уларнинг фикрича, фалсафа ўзининг инсонийлиги, ўзининг маънавий-ахлоқий қоидалари ва дунёга бўлган эзгу муносабати билан техниканинг чексизлиги ҳамда ҳукмронлигига, унинг келажагига тўғри қараш орқали инсонларни ишонтириш мумкин, деб ҳисоблашмоқда. Технократик цивилизацияда инсон нафақат дунёни, инсониятни режалаштиради, балки инсоннинг ўзи режалаштириш объектига айланиб қолади. Агар инсоният мавжуд муаммоларга бефарқ қарайдиган бўлса, дунё цивилизацияси халокатга учраши муқаррар. Шу маънода инсонпарварлашувнинг моҳияти, унинг тараққиёт тенденцияси илмий-фалсафий жиҳатдан, талқин қилинмаса юқорида айтилган фожиаларнинг олдини олиш жуда қийин бўлади. Бунинг учун фан, техника ва технологик тараққиётнинг самарасиз жиҳатларини фалсафий-танқидий талқин қилиш, инсоннинг кейинги амалий фаолиятига атрофлича баҳо бериш, унинг келажаги ва истиқболдаги ўзгаришларга эҳтиёткорона мақсадли ёндашиш талаб қилинади.

Фалсафани ўқитишдан мақсад талабаларда муайян билимлар захирасини шакллантиришдан иборат. Таклиф қилинаётган таълим моделларидан бири босқичма-босқичликка асосланади: интерпретация ва таҳлил – далиллаш – фалсафий билимлар ва методология – коммуникация. Бошқача айтганда, биринчи ўринга фалсафий матнларни таҳлил қилиш, шарҳлаш ва тушуниш кўтарилади. Шундай кўникмалар шакллантирилгандан сўнггина талабалар томонидан асосий анъаналар, шахсий тушунчалар ва фалсафий услублар қай даражада ўзлаштирилганлиги баҳоланиши мумкин. Якуний қоида сифатида талабалар томонидан ёзма ва оғзаки мунозара пайтида асосий ғояни ифодалашда ўз фикрларини тўғри, раво, тизимли ва аниқ ифодалаш лозим бўлади. Юқорида санаб ўтилган тўртта мақсаднинг ҳар бири талабаларнинг кўйилган мақсадга эришгани ёки эришмаганини кўрсатади. Биринчи вазифани ўзлаштириш даражасини аниқлашда талабалар томонидан матн ёки мутафаккирнинг ифода қилаётган асосий ғоясини аниқлаш учун таърифлаш кўникмалари ўрганилади. Иккинчи вазифани ўзлаштиришни назорат қилишда талабанинг турли файласуфлар ва фалсафий йўналишлар ўртасидаги фарқни англаш; матн қисмидан далилни ажратиб олиш; хатоликларни топиш ва оддий мантиқий таҳлил орқали далилларни баҳолаш у ёки бу нуқтаи назарни асослаш ёки инкор қилиш учун асосларни ишлаб чиқиш кўникмаларининг шаклланишига эътибор бериш зарур.

Фалсафий билимлар ва методология вазифасини эгаллаганлиги даражасини аниқлашда талабалардаги фалсафий масала ва нофалсафий масалаларни бир-биридан фарқлаш; фалсафа методологияси ва бошқа фанлар методологияси ўртасидаги муносабатларни аниқлаш; эмпирик тасдиқлар ва априорилар ўртасидаги муносабатларни аниқлаш; фалсафий муаммоларни

концептуал анализ қилиш; метафизика, эпистемология, кадриятлар назарияси ва мантиқ ўртасидаги алоқадорликни аниқлаш кўникмаларининг шаклланганлиги фалсафанинг турли муаммоларини бир-бири билан боғлаш; интеграциялаш, фундаментал тушунча ва назарияларни ахлоқ ва сиёсий фалсафа йўналишлари билан таниш бўлиш фалсафа тарихи ва анъаналарини англаш орқали рўёбга чиқади. Коммуникативлик кўрсаткичларини баҳолаш учун талабаларнинг фалсафий муаммоларни таҳлил қилишда қизиқарли ёндашув, матн моҳиятини англаб етиш ўзгалар фикрини хурмат қилиш орқали ифодаланади. Бундан ташқари ўз фикрларини оғзаки ёки ёзма нутқда ифодалашда сўзларни тўғри қўллаш мақсад сари босқичма-босқич интилишни назарда тутди.

Хуллас, фалсафа билан шуғулланиш мақсади ягона ҳақиқатни қидириб топиш бўлса, бундай ҳолатда у уфқ йўлларини кўз олдимишга келтиради, чунки уни кўриш мумкин, аммо уни қўлга киритиш мумкин эмас.

Диссертациянинг «**Глобаллашув шароитида фалсафий таълимни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари**» деб номланган иккинчи бобида замонавий фалсафани ўқитишда илмий адабиёт ва матнлардан самарали фойдаланиш зарурати, фалсафий таълимни ривожлантиришнинг миллий ва умуминсоний тамойиллари ҳамда хорижий университетларнинг фалсафани ўқитишдаги тажрибалари ўрганилган.

Ҳозирги даврда фалсафани ўқитишда барча фанларни ўқитишда бўлгани каби инновацион услубларни қўллаш, улардан самарали фойдаланиш масаласи кун тартибига қўйилмоқда. Яъни, биз шаклланиши ҳали ўз ниҳоясига етмаган миллий фалсафамизни янги услубият асосида ўқитиш муаммолари устида ҳам ишлашимиз зарурати ўсиб борапти. Мазкур шарт-шароитдан келиб чиқилса, ҳозирги кунда таълим муассасаларида фалсафани ўқитиш нақадар долзарб ва мураккаб иш экани кўринади. Шунга кўра фалсафадан мутахассис бўлиш ҳозирги даврда ниҳоятда қийин ва масъулиятли, айни пайтда жуда шарафли ишдир. Лекин бу шараф фақат ўқитувчининг ўз виждони ва уни тушуниб ета олган айрим талабалардан бошқаларга сезилмайдиган беғараз шарафдир. Ана шу шарафга сазовор бўлиш учун даставвал дарс ўтиш жараёни ҳақида умумназарий тасаввурга эга бўлишимиз муҳимдир.

Ҳозирги кунда олий таълим олдиға юқори малакали умуммаданий ҳамда касбий салоҳиятга эга бўлган кадрларни етказиб бериш масаласи қўйилган. Шунини таъкидлаш жоизки, компонентлик таълим натижаларини (билим ва кўникмаларини), кадриятлар тизимини, йўналтирилганлигини, одатларини ўз ичига олади. Тадқиқотчилар ушбу таърифни шундай баён қилишни таклиф қиладилар. Яъни, фикримизча, фалсафани ўқитиш жараёнида талабаларга тўғри методикани танлаш ҳамда таълим технологияларини тўғри татбиқ қилиш кўникмаларини шакллантириш бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини тўлдириб борадиган жиҳатларга эътибор қаратиш лозим. Бу эса фалсафий билимларнинг рационалиги (яъни ақл ёрдамида ўзлаштирилганлиги),

тизимлигини ва ижодий ёндашиш эркинлигини шакллантириб, шахс ва жамият ўртасидаги алоқаларни кенгайтиради. Тажрибали ўқитувчиларни талабаларнинг мавҳум назарияларга берилиб кетиши ёки ижодий эркинликни суистеъмол қилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиришга эҳтиёж йўқ. Лекин ёш педагоглар бу ҳолатларга йўл қўймаслик лозимлигини доимо ёдларида тутиши керак. Чунки, маълум умумқабул қилинган ғояларни керакли ва асосли аргументларсиз обрўсизлантиришга уриниш талабалар орасида учраб турадиган ҳолатдир. Айниқса, бундай муаммо ижтимоий фан соҳалари учун номутахассис таълим йўналишида таҳсил олаётган талабаларга фалсафа дарсларини ўтишда учраши мумкин. Шунинг учун маъруза ва амалий машғулотлар олиб бораётганда талабаларнинг гуманитар соҳалардаги мавжуд назариялар ҳақида зарур билимларга эга эмаслигини эътибордан қочирмаслик керак.

Асосан, ижтимоий фан соҳалари учун номутахассис таълим йўналишидаги талабалар бундай дарсларга иккинчи даражали деб қарашлари ҳам сир эмас. Фалсафа фанлари эса энг мураккаб фанлар сирасига кириши маълум. Таълим соҳасидаги давлат стандартларининг учинчи авлодида ижтимоий фан соҳалари учун номутахассис йўналишдаги талабалар ўзлаштириши зарур бўлган кўникмалар кенг қамровли бўлиб, улар орасида дунёқараш фалсафий ғояларнинг тизимлаштирилиши, илмий билим структураси ва методологияси каби муаммолар мавжуд. Номутахассис таълим йўналишидаги талабалар ўзлаштириши зарур бўлган кўникмалар орасида фалсафий фанлар орқали шаклланадиган кўникмалар кўпчиликни ташкил этади. Масалан, талаба мавжуд ахборотни ўзлаштириши, умумлаштириши, мақсадни белгилаши ва унга етишиш йўллари ишлаб чиқиши зарур. Бунда ахборотни таҳлил қилиш, ундаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратиш кўникмаларини шакллантириш керак. Талаба ижтимоий, шахсга доир муаммоларни таҳлил қила олиши ва уларни тушуниши зарур.

Фалсафанинг фан ёки фан эмаслиги, унинг маданиятдаги ўрни, фалсафа дарсларини қандай ташкил қилиш масаласидаги баҳс-мунозаралар ҳамон давом этиб келмоқда. Фалсафани ўқитишда тарихий, мантикий ва назарий методлардан фойдаланиш керакми ёки С.Л.Катречко томонидан таклиф этилган «Сукротча суҳбатлар» усулидаги ўзига хос фалсафа курсларини ташкил этиб, кадриятларга асосланган методларни қўллаш зарурми, деган муаммо ҳозир ҳам мавжуд. Таъкидлаб ўтиш жоизки, фалсафа дарсларини ташкил қилишдаги муаммолар талабалар томонидан материални ўзлаштиришдаги камчиликларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бунинг оқибатида эса талабалар фалсафий матнларни тушунишда қийинчиликларга дуч келади. Муаммони ҳал қилишда фалсафа дарсларини ташкил қилиш методикаси билан бир қаторда фалсафий матнлар тили, стилистикаси муаммоларига ҳам эътибор қаратиш лозим.

Испания, Франция, Италия, Португалия каби мамлакатларда фалсафа таълим бериш соҳасининг таркибида муҳим ўрин тутди. Бенилюкс

мамлакатлари, Дания, Австрия, Буюк Британияда бундай анъаналар унчалик мукамал эмас. Фалсафани ўқитишдан қутилган мақсадлар ҳам турлича. ЮНЕСКО томонидан ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, бу соҳада турли йўналиш, услуб, анъана ва режалар мавжуд. Аммо шуниси аниқки, фалсафани ўрганиш, инсон тараққиётини, ундаги бағрикенгликни шакллантириб, маданиятлар диалогини турли ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш маънавий ахлоқий қадриятлар шаклланишига туртки беради. Фалсафа инсондаги танқидий таҳлил ва ижодий фаолиятни ўстиришини кўплаб олим ва тадқиқотчилар таъкидлаб ўтган.

Фалсафанинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятидан келиб чиқиб, ЮНЕСКО умумжаҳон фалсафа кунини таъсис этди. Олий таълим муассасаларида фалсафа барибир ўз ўрнини сақлаб келмоқда. Худди шунга ўхшаш вазият Шимолий Америка университетларида ҳам мавжуд. Охирги ўн йилликда бу ерда фалсафага қизиқиш, уни ўрганишга интилиш кучайган. Бу фалсафий фанлар доирасининг кенгайишида ҳам кўриниб турибди. (Бу ҳолатнинг аксини ҳам кўриш мумкин. Мисол тариқасида Мидлсекс университетидаги фалсафанинг ҳолатини айтиб ўтиш мумкин.) Фалсафанинг олий таълим соҳасидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида гап кетганда, уни қандай ўқитиш масаласига ҳам эътибор қаратиш лозим. Бунда анъаналардан ташқари бошқа мамлакатларда тўпланган тажрибага ҳам мурожаат қилиш керак.

Масалан, XIX асрга келиб немис университетлари модели пайдо бўлди. Бу модель ўқитувчи ва талабаларга катта эркинликлар берарди. Бу ҳолат Франциядаги аҳволдан анча яхши эди. Францияда фалсафа асосан ўрта мактабда ёки филология факультетида ўқитилган ва ўз навбатида Германиядагидек, катта аҳамият касб этмаган. Германияда профессорлар давлат томонидан тасдиқланган режалар асосида фаолият юритардилар. Франция ва Германиядаги фалсафа курслари ўзининг кўп жиҳати билан фарқланар эди. Немис университетлари фалсафани президент даражасига тушириб кўйди деган фикрга камдан кам одамлар кўшилди. Университетлардан ташқаридаги фалсафий қараш ўзгача кўринишда эди. Шунинг учун Шопенгауэр университет фалсафасини очиқ танқид қилди.

Фалсафанинг маданиятдаги ўрнини ва ролини ҳисобга олишнинг аҳамиятини белгиловчи омиллардан бири бугунги глобаллашув жараёнида постмодернизм вакиллари томонидан илгари сурилган фалсафанинг «охирини», «ўлимини» ҳақидаги тезисдир. Уларга кўра, фалсафа маъносини йўқотган ва замонавий маданиятга муҳтож эмас, шунинг учун фалсафа ғойиб бўлиши керак ёки бошқа бир нарсага айланрилиши, адабий танқидий, фан ёки маданий тадқиқотлар билан босим остида бўлиши керак. Фалсафанинг «рақобатчилари» деб аталадиган бошқа маданият шакллари (дин, фан, сиёсат) фалсафани маданий тизимда алмаштиришга қодир эмас, чунки назарий фикрлашнинг янги усуллари сифатида айна пайтда фалсафий тадқиқотлар майдони деб қаралади. Фалсафанинг ўзига хослиги шундаки, у

нафақат маданият асослари, балки маданиятдаги барча билимлар, маданий ҳаётнинг ўзи ҳақида ҳам ўз фикрини ифодалаш учун воситаларни тақдим этади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, таълим сифатини фақатгина ривожлантирувчи таълимга йўналтирилган замонавий ахборот-коммуникация ҳамда инновацион педагогик технологиялар орқалигина талаблар даражасида таъминлаш мумкин. Бунинг учун ҳар бир педагогдан замонавий ахборот-коммуникация ва инновацион педагогик технологияларни пухта ва мукамал билиш талаб этилади.

Диссертациянинг **«Ўзбекистонда фалсафий таълимни ривожлантириш истиқболлари»** деб номланган учинчи бобида Ўзбекистонда фалсафий таълимнинг ижтимоий-тарихий генезиси ҳамда уни туркумлаштириш тамойиллари, ҳозирги даврда файласуф кадрларнинг Ўзбекистон ижтимоий тараққиётига таъсирини ошириш йўллари ва ёшлар дунёқарашининг шаклланиш механизми масалалари таҳлил қилинган.

Глобаллашув шароитида фалсафий таълимни ривожлантириш масаласи нафақат республикамиз халқи, балки бутун инсоният олдида турган энг муҳим муаммо эканини теран англашнинг самараси бўлиб, у бугунги кунда нафақат ҳар бир давлат тафаккур маданиятининг туб асосини ташкил этадиган, ҳар қайси инсон ва бутун жамият фалсафий дунёқарашининг шаклланишида очқич ролини ўйнайдиган, балки охирги ўн йилликларга келиб бутун жаҳон маданияти ва цивилизацияси ҳаётида ҳам долзарб ўринга чиққан муаммодир. Шунинг учун ушбу ҳодисани чуқур ўрганиш, унинг илдизига алоҳида эътибор бериш кескин зарурати вужудга келган. Мазкур муаммонинг бениҳоя долзарблиги яшаётган давримизнинг ўзига хослиги билан ҳам узвийдир. Зеро, биз эндиликда социумнинг барча соҳаларини қамраб олаётган, барча мамлакатлар амалда ягона бозорга бирлашуви ҳақидаги фикрлар олдинга сурилаётган, саноат ишлаб чиқариш кўп жиҳатдан трансмиллий корпорациялар назорати остида амалга оша бошлаган, интернет туфайли ҳар қандай янги ахборот сайёрамизнинг исталган жойига яшин тезлигида тарқалаётган, олимлар Ерда ягона цивилизация қарор топиши хусусида гапира бошлаган замонда яшамокдамиз.

Зеро, бугунги кун учун муҳим вазифа ҳисобланган комил инсонни тарбиялашда фан ва фалсафий фанларнинг ўрни жуда катта. Асрлар давомида комил инсон масаласи долзарб бўлиб келган, чунки унинг жамият тараққиётидаги ўрни беқиёсдир. Бу йўлда табиий ва ижтимоий фанлар каби фалсафа фани ҳам ўз хиссасини кўшиб бораверади.

Шу боисдан ҳам Х.Йўлдошев: «Фалсафа – инсон ақлий фаолиятининг ўзига хос бир тури бўлиб, бундай фаолият орқали ақл ўзини ўзи тафтиш этади, ирода, туйғулар ва майллар ўртасидаги мураккаб ва кўпинча чалкаш, ҳатто зиддиятли муносабатлар устидан назорат қилишга интилади. Хусусан, англаш билан ишончнинг турли шакллари (дин, ахлоқ, фан, санъат ва ҳ.к.)

нақадар ўзаро мувофиқ бўлиши, улар тўғри йўналишда такомиллашиб, ривожланиб бориши, таъбир жоиз бўлса, «фалсафий назорат» воситаси билангина мумкиндир. Бунда фалсафий категориялар назорат куроли вазифасини бажарса, инсоннинг ўз олдига ўзи «нега?», «нима мақсадда?», «нимага керак?» каби «бош оғритувчи» саволларни қўйиб туриши, бундай саволларга ўз билим ва тажрибаси кўламида бўлса-да, бир сўз билан айтганда, «ўз билганича» (метафизик) жавоб излаши ана шу назоратни амалга ошириш усулидир. Албатта, бундай таҳлил саёз ёки чуқур бўлиши мумкин, инсонни тўғри жавоб сари етаклаши ёки, аксинча, принципиал хато хулосалар томон йўналтириши ҳам мумкин. Худди мана шу ўринда фалсафанинг ижтимоий аҳамияти яққол кўзга ташланади»⁴, - деб ёзади.

Бугунги кунда фалсафани ўқитишда педагог дуч келадиган энг характерли шарт-шароит шундаки, фалсафа шаклланганидан буён то ҳозиргача унинг аслий предметида⁵ ҳам, уни ўрганувчиларнинг табиатида ҳам, уни ўрганишнинг ташкиллаш шаклларида ҳам тинимсиз ва катта ўзгаришлар содир бўлган. Энг охирги ўзгариш юртимиз ўз мустақиллигини қўлга киритиши муносабати билан доғмалашган ва бирёқлама марксча-ленинча фалсафанинг инкор этилиши ва унинг ўрнига ўз миллий фалсафамизни шакллантириш масаласининг кўндаланг бўлиши муносабати билан амалга ошмоқда.

Фалсафа инсон маънавий дунёқарашини юксалтирувчи соҳадир. Шунинг учун ҳам фалсафа ўзининг маънавият оламининг муҳим таркибий қисми ва турмуш тарзи бўлиш вазифасини ҳаёт билан уйғун равишда амалга оширмоқда. Фалсафа ҳаётни, у қандай бўлса, шундайлигича эмас, балки унинг қандай бўлиши нуқтаи назаридан таҳлил этади. Барча давр файласуфлари учун ҳамма нарсани бамисоли чумолидай ўз «уясига» ташиб келтирмаслик ёки ўргимчак каби ҳамма нарсани ўз ичидан тўқиб чиқармаслик муҳим бўлган. Уларнинг хатти-ҳаракати ҳар бир гулдан бол йиғиш каби асаларининг фаолиятини эслатиши керак бўлган. Шу нуқтаи назардан қараганда, фалсафа инсон ҳаёти маъносини ифодалаган. Бироқ у ҳаётнинг оқ-қора рангдаги оддий инъикоси бўлмай, балки унинг истеъдодли мусаввир мўйқалами воситасида тасвирланган, сержило, ранг-баранг қиёфаси сифатида намоён бўлган. Зеро, қадимги юнон мутафаккири Афлотун айтганидек, фалсафа, яъни ақл-заковат, донолик сиёсий ҳокимият, давлат бошқаруви билан уйғунлашмагунча, инсониятнинг бахти қаролиги барҳам топмайди.

